



Куддуслик Сибилла (Анжулик Сибилла, тахминан 1160-1190) — 1186 й.дан Куддус кироличаси. Амори I нинг Агнес де Куртенайга биринчи турмушдан кизи, Балдуин IV ва Изабелланинг опаси. Гильом де Монферрат Узун Киличга турмушга чиккан, ундан ўгил - бўлажак кирол Балдуин V кўрган. Гильомнинг вафотидан сўнг, Сибилла иккинчи марта - Ги де Лузиньянга турмушга чикди - чунки у тахт вориси эди ва унинг позицияси муҳим никоҳ билан қўллаб-қувватланиши керак эди.

Сибилла Фулк Анжунинг ўгли Амори билан Агнес де Куртененинг кизи эди. Амори Куддус киролиги тахтига ўтиргач, унинг Агнес билан никоҳи кариндошлик сабабли ҳақиқий эмас деб топилган, бироқ бу никоҳдан бўлган иккала фарзанд ҳам, Сибилла ҳам, унинг укаси Балдуин ҳам қонуний фарзандлар деб тан олинган.

Сибилла Вифаниядаги монастирда киролича Мелисенденинг синглиси Иовета буви қарамоғида ўсган. 1169 йилда Амори I Тир архиепископи Фредерик де ла Рошни Европага элчихонага юбориб, унга бошқа ишлар қатори Сибиллага муносиб никоҳ уюштиришни топширди. Унинг акаси Болдуин моҳов билан оғир касал бўлиб, кироликка меросхўр бера олмаганлиги сабабли, оиланинг давом этиши Сибиллага боғлиқ эди ва унинг бўлажак эри кироликнинг химоячиси бўлиши керак эди. Фредерик де ла Рош уни граф Стефан Сансерга таклиф қилди. Стефан Сибилла билан турмуш қуришга рози бўлди, лекин Куддусга келгач, номаълум сабабга қўра фикрини ўзгартирди ва Францияга қайтди; бунинг мумкин бўлган сабабларидан бири Стефаннинг Византия императори Мануил Комнинга вассаллик қасамёд қилганлиги бўлиб, агар у Куддус кироли бўлса, уни бекор қилиши керак эди.

Гильом де Монферрат билан турмуш

1174 йилда Амори I вафотидан сўнг тахтга аввал сенешал Мил де Планси регентлиги остидаги Болдуин IV, кейин эса Триполи графи Раймунд III меросхўр бўлди. 1176

йилнинг кузида ўн олти ёшли Сибилла Иккинчи салиб юриши катнашчиси Монферратлик Гильом V нинг ўгли, Франция кироли Луи VII ва Мукаддас Рим императори Фридрих Барбароссанинг кариндоши, Узун Килич лакабли Гильом де Монферратга турмушга чиқди. Гильом рицарлик шон-шухратини козонишга муваффақ бўлди, бундан унинг тахаллусидан далолат беради. Сеп сифатида Гильом Куддус киролигининг вассал давлати бўлган Яффа ва Аскалон графлигини олди. Жасур жангчи ва окқўнгил инсон Гильом жанг майдонидан ташкарида ҳам кизиккон ва зўравонликка мойил бўлиб чиқди, аммо унинг бу фазилатлари Куддус Киролиги тақдирига таъсир қилишга улгурмади. Сибилла ва Гильомнинг никохи атиги етти ой давом этди. 1177 йилнинг ёзида Гильом безгакдан вафот этди, лекин унинг ўлиmidан бир неча ой ўтгач ундан ўгил тугилди. Анъанага кўра, Сибилла ўглига Балдуин деб исм қўйди.

Ги де Лузиньян билан турмуш

1177 йил 2 августда киролининг амакиваччаси Фландрия графи Филипп Куддусга келиб, маликадан ўз вассалларидан бирига турмушга чиқишни талаб қилади. Олий курия - Куддуснинг конун чиқарувчи ва суд органи унинг талабларини рад этди, солномачиларнинг фикрига кўра, бева маликанинг кўлини сўраган Балдуин де Ибелин эса Филиппни оммавий ҳақорат қилди, шундан сўнг у октябрь ойида Куддусни тарк этди ва Антиохия тарафида мусулмонлар билан жанг қилиш учун шимолга йўл олди. Сибилланинг бевалиги уч йил давом этди. Аввалига маликанинг Бургундия герцоги Гуго III билан турмуш қуриши ҳақида музокаралар олиб борилди, аммо улар муваффақият қозонмади. 1180 йилнинг ёзида, Сибилланинг кейинги эрини унинг кариндошлари Антиохиялик Боэмунд ва Триполилик Раймунд III танлаши таҳдиди пайдо бўлганда, кирол уни Куддус коннетабли Амори де Лузиньяннинг укаси ва Балдуиннинг амакиваччаси саналган Англия кироли Генрих II нинг вассали, яқинда Шаркка келган Ги де Лузиньянга хотинликка беришга қарор қилди. Триполи графи ва Ибелинлар оиласининг фаол норозиликка карамай, синглисининг турмушга чиқиши ҳақидаги қарорни Балдуин шахсан ўзи қабул қилди. Ўша йили Балдуин ўғай синглиси саккиз ёшли малика Изабеллани ўзининг содик зодағони, Торон сеньорлиги ҳукмдори Онфруа IV билан унаштирди. Изабелла онаси ва Ибелинлардан олинган ва куёвнинг оиласи - Рено де Шатильон ва Стефанья де Милли томонидан тарбияланган. Ги билан никоҳда Сибилла иккита киз тугди – Алиса ва Мария (тугилган аниқ саналари номаълум). Дастлаб Балдуин унинг турмуш ўртоғига тўлиқ ишонарди. 1183 йил ўзининг лаёқатсизлиги туфайли – бу пайтга келиб кўр бўлиб қолган ва зўрга юра оларди – Балдуин уни киролик регенти этиб тайинлади. Лекин шу йилнинг ноябрида насронийлар қўшини бошида Салохиддиннинг босқинчи армиясини қарши олган, аммо унга жангсиз чекинишга руҳсат берган Ги душманлари томонидан жасорат етишмаслигида айбланган. Бу гап-сўзларга кулок тутган кирол куёвини ёмон кўриб қолди ва жазолади – Гини ҳокимиятдан четлаштирди ва унинг таът сари йўлини тўсиш учун Сибилланинг биринчи турмушидан бўлган 5 ёши ўгли Балдуин де Монферратни ўз қориси деб эълон қилди. Унинг шахсий васийси этиб тоғаси Жослена де Куртенени, кироликнинг янги коннетабли этиб эса Триполи графини тайинлади ва унга Байрут харажатларини тўлашни топширди. Бундан ташқари, 1184 йил бошида Сибилла ва Ги никоҳини бекор қилишга уриниб кўрди. Лекин шунга карамай, Ги четлатилган бўлсада, киролининг қазаби унинг синглисига даҳл қилмади. Кирол кўрсатмаларига кўра, Балдуин V вояга етмасдан

вафот этадиган бўлса, сингилларидан бири – Сибилла ёки Изабелла ворис бўлиши лозим эди. Танловни Англия ва Франция кироллари, Мукаддас Рим императори ва Папа биргаликда килишлари керак эди.

Тахт учун кураш

185 йил 16 мартда Балдуин IV вафот этди. Тахт, илгари келишилганидек, Триполи графи регентлигида Сибилланинг ўгли Балдуин V томонидан мерос килиб олинган. Эдесса графи, Жослен III етти ёшли киролнинг шахсий кўрикчиси бўлиб колаверди. Бундан ташқари, Балдуиннинг бобоси Гильом V, Монферрат маркизи, набирасини кўллаб-қувватлаш учун Куддусга келди. Бирок, Балдуин касал бола бўлиб ўсди ва 1186 йил ёзида Акрада вафот этди.

Жослен III ва маркиз Монферрат Балдуиннинг жасадини Куддусга олиб кетишди ва уни Мукаддас кабр черковига дафн килишди. Триполи графи сони дафн маросимида иштирок этмади. Таъсирни йўқотишдан кўркиб, у Наблусга борди ва содик баронлар иштирок этган кенгашни чакирди. Киролликда можаро авж олди. Дворянларнинг фикрлари фарк киларди: Рено де Шатильон ва бошқа баронлар Сибиллани конуний ворис деб хисоблашди, Реймонд III, киролича Мария Комнина ва Ибелинлар партияси эса Мариянинг кизи Изабеллани тахтда кўришни хошлашди.

Сибилланинг ракиблари унинг тахтга даъвогарлик килишга ҳақки йўқлигини, чунки ота-онасининг никохи бекор килинганлиги сабабли у никохсиз тугилган эканлигини айтишди. Аммо бу айблов асосли эмасди: 1163 йилда Куддус черкови Сибиллани Амори I нинг конуний вориси деб тан олди. Натижада, бир томоннинг норозиликларига қарамай, иккинчи томоннинг кўмаги билан Олий Курия Куддус тожини Сибиллага топширишга қарор килди. Изабелланинг эри ва Рено де Шатильоннинг ўғай ўгли Онфруа IV шахсан Куддусга келганида унга ва Ги де Лузиньянга содиклик қасамёд килгани ва шу тарика тахтга даъво килишдан бош тортганида унинг мавкеи мустаҳкамланди.

Олий Курия тож кийиш факат Сибилла Ги де Лузиньян билан ажрашган тақдирдагина ўтказилиши шартини кўйди. Янги эрни танлаш унинг ихтиёрида қолди ва Сибилла Куддуснинг ягона ҳукмдори бўлди. Натижада, баронларнинг шарти бажарилмади: тахтга чиққач, Сибилла Ги де Лузиньянни эри сифатида танлаётганини эълон қилди ва унга тож кийдирди.

Сибилла ҳукмронлиги

Сибилла ва Ги ҳукмронлиги даврида салтанат учун асосий хавф унинг кўшинлари насроний ҳудудларини тезда босиб олган Салоҳиддин эди. 1187 йил 4 июлда Ги ва Раймунд III бошчилигидаги насронийлар ва Салоҳиддин ўртасида Хаттин жанги бўлиб ўтди. Бу жангда мусулмонлар ҳал қилувчи ғалабага эришдилар ва кўплаб аскарларни, жумладан Ги де Лузиньянни ҳам асирга олдилар. 1187 йил сентябрда Салоҳиддин Куддусни қамал қилди ва Хаттинда омон қолган патриарх Ираклий ва Балиан Ибелин кўмагида Сибилла шахсан мудофаага раҳбарлик қилди. Аммо шаҳар мусулмонлар ҳужумига дош бера олмади ва 1187 йил 2 октябрда таслим бўлди. Сибилла ва унинг кизлари Триполига қочиб кетишди.

1188 йилнинг ёзида Сибилла эри Ги эвазига Салоҳиддинга Аскалонни бериб, асирликдан қутқарди. 1189 йилда у Ги билан хали мусулмонларга бўйсунмаган ягона шаҳар бўлган Тирга борди. Тирни химоя қилишни Сибилланинг биринчи эрининг укаси Конрад де Монферрат бошқарарди. У ўз атрофида Гига қарши бўлган бир гуруҳ

баронларни тўплади ва эр-хотинни шахарга киритишдан ва ҳокимиятни уларга топширишдан бош тортди. Балдуин IV иродасига кўра, Конрад Европадан кироиларнинг келишини кутиш ва уларга кироилликда ким ҳокимиятга эга бўлишини хал килиш ҳукукини бериш ниятида эди. Шунда Ги кичик рицарлар отрядини бошқариб, август ойининг охирида Сибилла билан бирга Акра шахрига йўл олди ва шахарни камал қилди (кейинчалик унга 3-салиб юриши армияси қўшилди).

Ўлими

Акрани камал қилиш икки йил давом этди. 1190 йилнинг ёзида лагерда эпидемия авж олди, у аввал Сибилланинг икки кизини олиб кетди, кейин эса ўзининг хаётига зомин бўлди. Сибилла 1190 йилнинг июль ёки август ойларида (эҳтимол, 25 июль) ўттиз ёшида вафот этган. Конрад де Монтферрат дархол Ги де Лузиньянни хотини ва болаларини захарлаганликда айблади. Сибилланинг ўғай синглиси Изабеллани онаси Мария Комнина тез орада Онфруа IV дан ажрашиб, Конрадга турмушга чиқишга мажбур бўлди, шунда ер-хотин Куддус тахти учун даъвогар сифатида Ги де Лузиньянга муқобил бўларди. Конрад де Монтферрат кироил тириклигида тож қийишни хохлади, лекин 1192 йил 28 апрелда у ассасинлар томонидан омма олдида ўлдирилди. Куддуснинг кейинги ҳукмдори (лекин кироил эмас) шампанлик Генрих II бўлиб, у Ги де Лузиньяндан (1194 йилдан то ўлимигача Куддус кироили бўлган) кейин тахтнинг ягона вориси саналган бева Изабеллага уйланди ва ундан Куддус кироиллигини бошқариш умрбод ҳукукини олди.

Никохлари ва болалар

1176 йил - Гильом де Монферрат (Яффа графи, Аскалон графи, Монферрат маркизи)

Балдуин V (1178-1186)

1180 йил - Ги де Лузиньян

Алиса

Мария

Абу Муслим тайёрлади